# ОЗОД ВА ОБОД КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

*Сайловлар олдидан*

### Жўра НОРАЛИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокими

Мамлакатимиз мустақил деб эълон қилинганидан буён юракларимиз бу неъматнинг баҳосини, моҳияти-ю, маҳобатини табора теранрок, равшанроқ ҳис этиб бормоқда.

Ижтимоий ҳаётга, иқтисодий ислоҳотларга, бозор муносабатларига, фуқаролик бурчи ва Ватан масъулиятига бизнинг муносабатларимиз бугун бошқача.

Ўз парламентимиз — Олий Мажлис халқимизнинг ишончини оқлади, десам муболаға бўлмас. Авваллари, қишлоқнинг бир кўчасида 10 арава шағал ташиб берган ҳам мен ўзимнинг депутатлигимни адо этдим деб ўзини овутмоғи мумкин эди. Кўрдингизми собиқ СССР ҳатто депутатни ҳам қўғирчоққа ўхшаб ўйлашга ўргатиб қўйгандай эди. Ўтган беш йил мобайнида Олий Мажлисимиз ўзи ишлаб чиққан 140 дан ортиқ қонунлар, кодекслар билан давлатимизнинг, жамиятимизнинг демократик ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида уфқлар очилмоқда. Бизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеимиз мустаҳкамланиб бормоқда.

Бу ютуқларда, табиийки, ҳокимликлар тизимидан сайланган депутатларнинг ҳам салмоқли ўрни бор. Шу ўринда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 1994 йилдаги сайловолди дастури ёдга тушади. Дастурда вилоятнинг хомашё етиштирувчи воҳадан тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳудудга айлантиришга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда ёшлар тарбиясини яхшилаш масалаларига катта эътибор берилганини таъкидламоқчиман.

Вилоят Кенгаши имкон қадар ўша дастурларни амалга ошириш устида иш олиб борди. Лекин бу, дастурлар тўла бажарилди деган гапни билдирмаслиги керак. Мавжуд технологияларни такомиллаштиришда, ижодкорлик ва ташаббускорлик сифатларини ҳамма жойда ҳам намойиш эта олмадик. Ишлаб чиқариш кучларини хориж сармоялари билан қувватлантириш, пул-кредит муомалаларини замон талабларига кўра ҳаракатини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан камчиликларга йўл қўйилганидан кўз юмолмаймиз.

Айни пайтда ўтган давр мобайнида мулкчилик шаклларини ўзгартиришда катта қадамлар ташланди. Бу эса одамларнинг дунёқарашини ҳам, фикрлашини ҳам янгилаб, ўзгартириб бормоқда.

Бир мисол. Ҳозир вилоятимизда етиштирилаётган саноат маҳсулотларимизнинг 93 фоизи нодавлат корхоналар зиммасига тўғри келмоқда. Воҳада 330 ҳиссадорлик жамияти фаолият юритаяпти. Бир гектар ердан йилига бир миллион сўмдан зиёд даромад олаётган фермерлар майдонга чиқмоқда. Экин далаларида заводлар қурилмоқда. Заводлар ижарага ер олиб хомашёни ўзлари етиштирмоқда. Деновдаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигида шакар заводига пойдевор қўйилганлиги, Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номли хўжалигида пахта ва дон уруғчилигига ихтисослашган қўшма корхона қуриб битказилганлиги, Жарқўғондаги «Сурхон-текстил», Шўрчидаги донни қайта ишлаш жамоа корхоналари қайта жиҳозлангани, воҳада йод ишлаб чиқаришга киришилгани фикримизнинг далилидир.

Узоқ йиллар Россия учун жанубий ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган Термиз бугун гуллар шаҳрига айлантирилди. Термизда Алпомиш боғи ва Алпомиш ҳайкали қад ростлади. Ислом дунёсининг 96 шайхларидан бири, буюк бобокалонимиз Ҳаким ат-Термизий мақбаралари, зиёратгоҳ жойлари қайта таъмирланди. Ҳурматли Президентимизнинг ташаббуслари билан ат-Термизий хотирасига бағишлаб 1993 йилда таъсис этилган ва ҳар икки йилда ўтказиладиган миллий кураш бўйича Халқаро турнир ўзбекнинг энг суюкли спорти Курашнинг довруғини оламга ёйди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги тўғрисидаги қарори юзасидан воҳамизда ўтказилган тадбирлар доирасидаги халқаро илмий конференция, Алпомиш боғининг очилишида Президентимизнинг ўзлари қатнашганлари ва сурхондарёликларнинг вужудида Алпомишнинг шижоати яшамоқда, аждодларнинг армонларию орзу-ҳаваслари ушалиб, элимиз мурод-мақсадларига етмоқдалар деб одамларимизга, бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга берган баҳоларидан бағримиз яна бир бор тоғ қадар юксалгандай бўлди.

Бўлажак сайловлар масъулияти кечаги кунимизга муносабат билдириш билан бирга режаларни ҳам каттароқ олишга, белни янада маҳкамроқ боғлашга даъват этади. Ўз номзодларини Олий Мажлисга ва вилоят туман Кенгашлари депутатларига кўрсатган сиёсий партиялар дастурларини эълон қилдилар. Бу сайловолди дастурларида айирмачилик, тарафчилик ёки бир-бирини инкор этиш эмас, аксинча бир-бирини тўлдириб бақамти бўлиб ва айни пайтда камчиликларга муросасизлик билан ишлаш мойиллиги устувор. Биз қуйида қисқача баён қиладиган вилоят Кенгашининг сайловолди режаларини ҳаётга тўлароқ татбиқ этишга бу устиворлик ишонч бағишлайди. Вилоятимиз иқтисодиётида экспорт импортдан 13 баравар юқори. Бу устунликка асосан хомашёвий йўналиш эвазига эришиляпти. Текстил, кимёвий ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга доир бошлаб қўйган ишларимизни ва режаларимизни амалга ошириш ҳисобидан жаҳон бозорига сифатли товарларимизни олиб чиқамиз.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик ва ғаллачиликдаги ишларимиз шу кун талаблари даражасида эмаслигини эътироф этиб ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш, уруғчиликдаги камчиликларни тузатиш, деҳқончиликка илғор технологияларни жорий этиш, мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг маъсулиятини тубдан яхшилаш чораларини кўрамиз. Вилоятимизда бир йилда 30минг ишчи ўрни яратилмоқда. Бу кам. Хизмат турларини кўпайтириш, қишлоқ жойларда ҳам кичик саноат корхоналарини қуриш, деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва айниқса, қишлоқ аёллари учун кўп иш жойлари яратиш эвазига бу муҳим ижтимоий муаммони ҳал қилиб борамиз.

2005 йилга қадар вилоятимизда 7 лицей, 128 коллеж қуриб битказилади. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий техникавий базасини яратиш билан бир қаторда мутахассисларнинг малакаси ошириб борилади. Мулкни либераллаштириш, ишлаб чиқаришда нодавлат корхоналар улушини ошириб бориш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бизнинг пировард вазифамиз бўлиб қолади.

Вилоят ва туман ҳокимликларига келаётганлар ўз фуқаролик ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида тез-тез гапириб қоладилар. Бу ҳолат ҳуқуқий маданиятни бундан кейин ҳам тарбиялаб бориш, демократик тамойилларни янада чуқурлаштириш бўйича ҳали талай тадбирларни амалга ошириш лозимлигини тақозо этади. Бу муҳим ишда ҳокимликлар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, маҳалла кенгашларнинг, оқсоқолларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларнинг ҳамкорлигига суянади.

Диний экстремистик ва халқаро терроризм ҳаракатлари кўзғалиб турган ҳозирги шароитларда Афғонистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош бўлган Сурхон замини одамлари Ватан манфаатларининг барча сарҳадларига ҳушёр ва аҳил бўлиб меҳнат қиладилар. Қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаб борадилар. Биз халқнинг ижодкорлигига, ақл заковатига, изланувчанлигига таяниб фаолият юритамиз. Бўлажак сайловлардан халқимиз кўп нарсаларни кутмоқда. Юртимизнинг келажаги буюк бўлишига уларнинг ишончи тоғдай юксалиб бормоқда. Шу ишончни оқлаш келгуси фаолиятимиз учун бош мезон бўлиб хизмат қилади.

### Уммат МИРЗАҚУЛОВ, Тошкент вилояти ҳокими

Вилоятимиз аҳолиси бўлажак сайловларни меҳнатда катта ютуқлар, кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқдалар. Сайловлар йили бизлар учун том маънода юксалиш, ўсиш ва улғайиш йили бўлди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларларимиз қувонарлидир. Пиллакорларимиз, соҳибкору боғбонларимиз, сабзавоткорларимиз, ғаллакорларимиз ўз олдиларига қўйган вазифаларни ортиғи билан адо этдилар. Пахтакорларимиз 36 иш кунида давлат шартнома режасини бажардилар. Ҳозиргача 283 минг тоннадан ортиқ қимматли саноат хомашёси йиғиб олинди. Фақатгина пахтачиликнинг ўзидан 10 миллиард сўмдан зиёд даромад олинди. Ушбу маблағнинг асосий қисми қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларини ривожлантиришга сарфланади.

Айни кунларда вилоят ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 24 сайлов округидан депутатлик учун 110 нафар номзод кураш олиб боряпти. Шундан 24 нафари ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган. Айни вақтда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 54 та сайлов округлари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг вилоят Кенгашлари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, ҳокимлик вакиллик органлари ўзларининг энг муносиб вакилларини вилоят Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. 195 нафар номзод руйхатга олинди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 590 сайлов округига жами ваколатли органлардан 1437 номзод кўрсатилди. Кўриниб турибдики, шаҳар ва туман Кенгашларининг ҳар бир депутатлик мандати учун ҳам қизғин кураш бўлиб ўтади.

Кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг, айни пайтда мураккаб бўлган сайлов жараёнларини қонун талаблари асосида адолатли ўтишини таъминлаш учун турли даражадаги комиссияларда жами 12 мингдан ортиқ аъзолар ишламоқда. Уларнинг пухта, холис ва бетараф фаолият кўрсатишларига ишончимиз комил.

Номзодларимиз олдида Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириб боришдек муҳим ва масъулиятли вазифа турибди. Хусусан, саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилади.

Қишлоққа саноатни олиб кириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда тадбиркорлик тузилмалари 10 мингдан ортиқ бўлса, келгуси беш йилликда уларнинг сони 30,4 мингтага етказилади.

Бу вазифаларни амалга ошириш ҳисобига вилоятда саноат ишлаб чиқаришни 2005 йилга бориб бугунги кунга нисбатан 30-35 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий йўналишларимиз Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва дастурларида аниқ белгилаб берилган. Соҳада мулк шаклларини ўзгартириш, деҳқонга имкони борича енгиллик бериш ва айниқса, янги техника ва технологияга таяниб иш кўриш йўлидан бораверамиз. Пахтачиликда янаги йили терим техникаларини икки ҳиссага кўпайтириш ниятимиз бор.

Бу йил пахтачиликда 34 минг 792 нафар, ғаллачиликда эса 14 минг 606 нафар оилавий пудратчилар самарали меҳнат қилдилар. Пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштиришда уларнинг улуши салмоқли бўлмоқда.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади. 2010 йилга бориб, вилоятда газ билан таъминланиш даражаси 95,3 фоизга етказилади, тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 86,6 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, вилоят қишлоқларида ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ катта ишларни амалга оширишга бел боғлаганмиз. Хусусан, 1999-2005 йилларда 69 та қишлоқ врачлик пункти, 24 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 миллион кв.метр уй-жой, 23 минг кв.метр савдо шахобчалари, 6400 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 648 та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади.

Келгусида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Турли йўналишлар бўйича 1999-2005 йилларда 146 та касб-ҳунар коллежи, 9 та академик лицей қурилиб, ишга туширилади.

Бундан ташқари вилоятда аҳолининг кам таъминланган қатламларини, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш масалалари бизнинг асосий ва устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Биз турли тоифадаги Кенгашларга, Олий Мажлисга номзод кўрсатаётганимизда уларнинг ишчанлик, ташаббускорлик, изланувчанлик қобилиятларига алоҳида эътибор бердик. Президентимиз таъкидлаган беш инсоний фазилат асосий мезон қилиб олинди. Булар — ҳалоллик ва поклик, маънавий етуклик, теран билимлилик ва қобилиятлилик, эл-юрт манфаатларини устувор билиш, фидойилик демакдир.

Номзодларимиз эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган, сўз ва иш бирлигини амалда кўрсата олган одамлардир. Улар қуруқ ваъдалар бермайдилар, сайлансалар ҳам, сайланмасалар ҳам мавжуд муаммоларни ҳал қилишга камарбастадирлар.

### Ислом БОБОЖОНОВ, Хоразм вилояти ҳокими

Ҳокимият вакиллик органлари халқимиз бахт-саодати йўлида, жамиятимизни демократиялаштириш, иқтисодиётимизни бозор тамойиллари асосида чуқур ислоҳ қилишда фаол иштирок этиб келаяпти. Янгиланишлар, ислоҳотлар турмушимизнинг ҳамма соҳаларини тўлиқ қамраб олиб халқимиз дунёқараши, фикрлашини тубдан ўзгартирмоқда.

Бугун Хоразм вилоятида четга тайёр, сифатли маҳсулотлар чиқара оладиган янги саноат тармоқлари бунёд этилмоқда. Гурландаги тўқимачилик мажмуи ва Ҳазораспдаги шакар заводи шулар жумласидандир.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Агар 1994 йилда аҳоли хонадонларининг 79 фоизи табиий газ билан таъминланган бўлса, бу йил шу кўрсаткич 91,2 фоизга етди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 59 фоиздан 65 фоизга ўсди. Вилоятда мўл ғалла, шоли ва пахта етиштирилмоқда. Мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Ҳозирги кунда 1295 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 14243 киши якка меҳнат фаолияти билан банд. 3539 та кичик ва хусусий корхоналар халқ хизматида. Урганч-Хива йўналишида троллейбуслар қатнови йўлга қўйилди. Булар амалга оширилган улкан ишларнинг бир қисмидир, холос.

Маънавий-маърифий турмушимизда, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳаларида, миллий қадриятларимизни, тарихимиз, тилимиз, маданиятимиз, анъана ва одатларимизни тиклаш йўлида катта ишлар қилинди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди юбилейлари халқаро миқёсда нишонланиши халқимизнинг руҳини кўтарди.

Яқинда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ўтказилган катта шодиёналар бутун халқимиз қатори вилоятимиз аҳлида ҳам унутилмас таассуротлар қолдирди. Президентимизнинг шу сана муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзлаган нутқи элдошларимиз қалбидан чуқур жой олди. Барчамизни юксак ҳурмату эътиборга муносиб равишда улуғвор бунёдкорлик ишларида фаоллик, фидокорлик кўрсатишга даъват этди.

Халқимиз мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар ва эришилган натижаларга ҳаққоний баҳо бермоқда ва шукроналар айтмоқда. Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш, ёш авлод камолоти, маънавият ва маърифатни юксалтириш йўлида беқиёс тадбирлар каттаю кичикка маъқул ва манзур бўлмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг турли қатламлари, турли ёш ва касбга мансуб фуқароларимиз фикрини кенг ўрганиш ҳали айрим ҳокимият вакиллик органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида изчил ва дадил равишда фаоллик кўрсата олмаётганлигидан дарак беради. Уларнинг ижроия органлари соясида қолиб кетиши ҳоллари ҳам учрайди. Демак эндиликда барча депутатларнинг, ҳокимият вакиллик органларининг фаолияти халқимизнинг талаб-истакларига монанд равишда бўлмоғи кераклиги аён. Шу сабабли ҳам вилоятимизда сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан депутатликка номзодлари кўрсатилган вакилларимиз эл-юрт орасида ҳурмату эътибор қозонган кишилардир. Улар сайловчилар ишончини оқлашларига умид катта.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил май ойида «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида» тарихий қарор қабул қилди. Бу муҳим дастуриламалда вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган улкан иқтисодий ислоҳотларнинг, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишлари, олдда турган муҳим вазифалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар белгилаб берилган. Уларни изчил бажариш юзасидан шу пайтгача сезиларли тадбирлар кўрилди. Кейинги икки йиллик давр учун кўзда тутилган ишлар ҳокимият вакилик органлари, депутатликка номзодларимизнинг иш режалари ва дастурларидан кенг аксини топганлиги, шубҳасиз.

Келгусида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги муаммоларига алоҳида эътибор берамиз:

Биринчидан. Аҳолини иш билан таъминлаш — фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлади. 2005 йилгача янгидан 200 минг ишчи ўрни ташкил қилишни кўзда тутмоқдамиз.

Иккинчидан. Ўрта ва кичик бизнесни, умуман, тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш. Шу йўл орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириб, нафақат ички эҳтиёжни қондириш, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнимизни топиш асосий мақсадларимиздандир.

Учинчидан. Вилоятнинг дунёга машҳур ноёб тарихий обидалари имкониятларидан оқилона ва тадбиркорлик билан фойдаланиб, халқаро туризм талабларига мос инфратузилма шакллантирилади. Бу тармоқда кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш ва валюта тушумини кўпайтириш имконини беради.

Тўртинчидан. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чуқур ислоҳотларни амалга ошириб, ернинг ва мулкнинг ҳақиқий эгаларини шакллантириш, уларнинг қўлига энг замонавий техника ва технологияларни бериш орқали халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш, саноатни хомашё билан узлуксиз таминлаш юзасидан изчил тадбирлар кўрилади.

Бешинчидан. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича белгиланган режаларни ўз муддатида амалга ошириш. Бу ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, давр талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш бўйича олдда турган катта вазифалар мажмуини ўз ичига олади.

Олтинчидан. Маънавият ва маърифат масалалари барча ишлар, тадбирлар ва режаларда диққат марказида бўлиши лозимлигини чуқур англаб турибмиз.

Ҳокимият вакиллик органлари ўз фаолиятига ва ўзининг олдида ҳисоб берадиган мансабдор шахслар ишига доимо талабчан ва танқидий нуқтаи назардан баҳо беради. Кадрларга талабчанлик бундан буён ҳам оширилиб замонавий билимларга эга кўплаб ёшлар бошқарув тизимларига жалб қилиб борилади.

Ҳокимият вакиллик органларидан депутатликка номзод этиб кўрсатилган вакилларимиз амалий ишларда тажриба орттирган, халқ орасида обрўси баланд кишилардан. Улар эл-юрт ишончини оқлаш учун барча билим ва тажрибаларини умумхалқ ишига сафарбар этадилар.

Ўтаётган ҳар бир кун нафақат раҳбарларни, балки ҳар бир инсонни синовдан ўтказади. Биз бугун жамиятдан нима олаяпмиз деган саволдан олдин биз жамиятга нима бераяпмиз деган ҳаққоний фикрни қўйишимиз керак.

Ҳар бир инсон жамиятни бошқаришда амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқлари доирасида фаол қатнашсагина биз кўзлаган мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодлар ана шу буюк мақсад йўлида астойдил хизмат қиладилар, деб ўйлайман.

### Нўъмонжон МЎМИНОВ, Фарғона вилояти ҳокими

Эркин сайлов тамойили энг демократик давлатларда амал қилади. Бугун тўла ишонч билан айта оламизки, мамлакатимизда эркин сайловларга асосланган сайлов тизимини ярата олдик. Бунинг маъноси шундаки, давлатимизда ҳар бир фуқаро учун эркин равишда, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий онгига таяниб, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда овоз бериши учун тўла шароит яратиб берилди.

Биз қайси соҳада меҳнат қилмайлик, ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз, фуқароларимизнинг саодатли турмушини таъминлашга астойдил ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Отахон ва онахонларимизнинг хотиржамлиги, ака-ука, опа-сингилларимизнинг бахтли яшаш ва унумли меҳнат қилиш шароитлари, келажагимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, билим олиши ва ҳунар ўрганиши — депутатлар учун энг эзгу, энг улуғ мақсад бўлиши керак. Халқнинг ишончини қозониш, бу ишончни муносиб тарзда оқлаш, уларнинг дуосини олиш, элнинг назаридан қолмаслик барчамиз учун улуғ саодатдир. Зеро сайловлар — кучли давлатдан кучли жамият сари етаклайдиган ягона йўлдир.

Аввалги сайловдан бери ўтган вақт мобайнида вилоятимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида рўй берган туб ислоҳотларни фуқароларимиз ўз кундалик ҳаётида кўриб, ҳис этиб турганлиги бизнинг энг катта ютуғимиздир. Халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш биз учун ҳамиша энг олий мақсад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократияни ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш, инсонга, унинг муносиб турмуш кечиришига йўналтирилган оқилона сиёсат туфайли халқимиз турмуш даражаси юксалди, бой маънавиятимиз, қадриятларимиз тикланди, инсоният мулки сифатида тан олинди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган доно ички ҳамда ташқи сиёсати, халқимизнинг бу сиёсатни чин дилдан қўллаб қувватлаётгани, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги ана шундай ютуқларга олиб келди.

Ҳеч шубҳасиз, республикамизда амалга оширилган ўзгаришларда Ватанимизнинг қонун чиқарувчи Олий органи бўлмиш Ўзбекистон Олий Мажлиси, унинг ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлари муҳим роль ўйнадилар.

Ўтган беш йил мобайнида вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, эришилган ютуқлар кўламини кенгайтириш борасида изчиллик билан иш олиб борилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилдаги 33 млрд. сўмдан 1998 йилга келиб 101 млрд. сўмга етди. Шу йилнинг 9 ойида эса бу кўрсаткич 108 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилга бориб 144 млрд. сўмга етади ёки 31 фоиз ўсишга эришилади.

Қисқа муддат ичида Фарғона кимёвий толалар заводида қуввати йилига 7 минг тонна бўлган Полиамид-6 ва 3480 тонна шина корди ишлаб чиқариш тармоғи, Фарғона механика заводида қуввати йилига 1050 минг дона автомобиль диски ишлаб чиқариш цехи, Тошлоқ туманида Жанубий Кореянинг «ДЭУ Текстайл» корхонаси ва унинг Охунбобоев туманидаги қуввати йилига 25 млн. ярд газлама ишлаб чиқарувчи тўқимачилик корхонаси, «Исфайрам» ҳиссадорлик жамиятида ўтга чидамли ғишт, қурилиш ва медицина гипси, «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ўз истеъмолчиларимиз талабини қондирибгина қолмай чет давлатларга сотилмоқда.

Вилоятимизда хориж давлатлари билан иқтисодий алоқалар мунтазам ривожланиб бормоқда. 1998 йилда жами вилоят ташқи савдо айланмаси 573 млн. АҚШ долларида ташкил этган бўлса, жорий йил охирига бориб 599 млн. доллар бўлиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 668 млн. долларга етади.

Вилоятимизда чет эл инвестициясига эътибор кучайтирилиб, 2005 йилга борганда 1998 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпаяди. Бу ўнлаб янги ишлаб чиқариш иншоотлари демакдир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бир қатор ютуқларга эришилди. Мамлакатимизнинг дон мустақиллигини таъминлашда вилоятимиз ғаллакорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Жорий йилда жами 399 минг тонна дон етиштирилиб, 1995 йилга нисбатан 62 фоиз ёки 152 минг тонна ўсишга эришилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам ижобий ўсишга эришилмоқда.

Шу боисдан, биз қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Ўтган беш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 27 минг 125 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар, 230 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 532 ўринли шифохоналар, 2865 қатновга мўлжалланган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу даврда тоза ичимлик суви тармоқлари 570 километрга, табиий газ тармоқларининг узунлиги 3500 километрга етказилди. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши 86 фоизга, табиий газ билан таъминланиш даражаси эса 75 фоизга етказилди. Бу ишлар 2005 йилгача тўла тугалланади.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини** амалга ошира бориб вилоятда 1999 йилда 11 та билим юртлари замонавий касб-ҳунар коллежларига айлантирилди. 2005 йилгача яна 18 та академик лицейлар, 152 та касб-ҳунар коллежлари, шундан 65 таси янгитдан қурилади.

Вилоятимизда **соғлиқни сақлаш тизимини** ислоҳ қилиш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Фарғонада аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий Марказининг вилоят филиали қурилиши ва туманларда қишлоқ даволаш пунктлари қурилиши белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда.

**Аҳолини иш билан таъминлаш,** янги иш ўринлари яратиш борасида олиб борилаётган ишлар давом эттирилиб, 2000-2005 йилларда 110 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Кўриниб турибдики, вилоят ҳокимлиги янги асрнинг дастлабки беш йиллигида ўз олдига улкан вазифаларни қўйган. Уларни амалга оширишда сўзсиз янги сайланадиган депутатлик корпусининг роли алоҳида бўлиши керак. Шунинг учун бу сайловларда халқимизнинг энг муносиб вакиллари депутат этиб сайлансалар, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий одимларимиз салмоқли ва янада залворли бўлишига шубҳа йўқ.

Халқ ишончи — олий масъулият, шу боисдан ҳам ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодларнинг асосий вазифалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, кам таъминланган оилаларни, ёрдамга муҳтож яккаёлғизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, соғлом авлодни вояга етказиш, болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларга ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир.

## КЕРАК ШЕР ОЛДИДА ШЕР ЖАНГИ

217-Қарши сайлов округи бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашувга келган одамлар залга сиғмай кетди. Тик турган қанча, эшик олдида, ташқарида қолганлар қанча. Айниқса, аёллар, чолларни айтмайсизми? Бу сайловчиларнинг қизиқиши катта эканлиги белгиси эмасми?

Хуллас, учрашув бошланди. Худди рисоладагидек ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили қисқа, лўнда ва маънили гапирди.

— Таъриф, тавсиф қилиб ўтирмай, — деди у, — номзоднинг қилган ва қилаётган ишларини биласизлар. Шундай бўлса-да, номзоднинг характерли икки жиҳатини айтиб ўтай. Биринчиси, фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, қора меҳнатнинг барча босқичини босиб ўтганлиги. Иккинчиси, масъул лавозимларда ишласада, оддий ишчи давридаги каби самимийлигини сақлай олганлиги, одамохунлиги.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, нотиқнинг гапи ҳаётга тўғри келмаса, залда ўтирганларнинг айримларида заҳархандага мойил илжайиш: ўзаро шивир-шивир пайдо бўлади, гоҳо эшитилар-эшитилмас луқмалар ҳам отилади. Бу гал шундай бўлмади. Демак, ишончли вакил ҳеч нарсани ўзидан тўқиб чиқармабди. Айтганлари рост.

Шунинг учунми Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Олий Мажлисга депутатликка кўрсатилган номзоднинг ишончли вакилининг сўзлари одамларга сал баландпарвоз, китобийдай туюлди шекилли залда ғовур-ғувур кучайди. Лекин у гапни кўп чўзмади.

Раислик қилувчи шундан кейин сўзни ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодга берди.

Номзод муаммоларни четлаб ўтмади. Вилоятнинг 30 минг тонна пахтасини шаҳарлик ҳашарчилар оғир шароитда териб берганлигини, ҳолбуки бултургига нисбатан «Кейс» пахта териш машиналари кўпайганлигини ҳам айтиб ўтди. Энди ҳар ким ўз ишини қилсин, ўқувчи, талаба ўқишдан қолмасин, деб хулоса қилди у. Шунинг учун номзоднинг гапларини ёшу қари бирдек жон қулоғи билан тинглади. Ҳатто унинг чиқиши бир соатта чўзилгани ҳам билинмади. Демак, одамлар қилинган ишдан кўз юмишмайди, эътироф этишади, тан олишади. Аччиқ бўлса ҳам рост сўзни қадрлашади. Хатоларни мардона тан олганни, ундан тўғри хулоса чиқарганни бошига кўтаришади. Одамларимиз ана шунақа.

Одамлар ана шундай кайфиятда турган бир пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига номзодга сўз берилди.

— Ие, бу қанақаси бўлди. Нима унинг ишончли вакили гапирмайдими, — деган сўзлар эшитилди ўтирганлар орасидан.

— Ишончли вакили бўлмаса керак-да, — бир-бирига қарашди одамлар.

Бу ҳам майли-я, номзоднинг гапи ҳаммани ҳайратга солди. Нима эмиш дастури, мақсади ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзоднинг дастури, мақсади билан бир хил чиқиб қолибди. Шу боис у нима деди денг?

— Ҳаммаларингизни шу кишига овоз беришга чақираман, — деди у.

Ана холос. Ана сизга «шер олдида шер жанги». Ахир Олий Мажлисга номзодингиз кўрсатилаётган пайтда нима учун ва нимани деб рози бўлдингиз? Депутатликка қайси мақсад билан интилаётгандингиз? Қолаверса, Халқ демократик партияси Сизни қайси сифатларингиз учун номзодликка танлаган, кўрсатган? Балки бу ишингиз билан сиз кимгадир яхши кўринмоқчи бўлгандирсиз. Балки чин кўнгилдан, яхши мақсадда шундай қилгандирсиз...

Хайриятки, Фидокорлар миллий демократик партияси номзоди «отвод» бермади. Аммо Фидокорлар партиясининг дастурини ўқиб берганлиги ғалати бўлди.

— Наҳотки, унинг ўзининг гапи бўлмаса? Ҳеч бўлмаса шу дастурдан келиб чиқиб айтадиган гапи йўқмиди? — дейишди одамлар.

«Адолат» социал-демократик партияси номзоди ҳам «ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган номзодни тан олишини», шу боис унга «овоз беришларини» сайловчилардан илтимос қилди.

— Нимага бундай орқага чекинишяпти? Ёки келишиб олишганми? Хоҳлайсанми йўқми, ўтадиган ўтади, нима қиламиз бекорга овора бўлиб дейишганими бу? Ундан кўра «Миллий тикланиш» демократик партияси номзодидай учрашувга келмай қўяқолсин эди...

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**






*Бугун юртимиздаги барча сайлов округлари ва участкаларида қизғин иш жараёни давом этмоқда. Бу даргоҳларга турли ёшдаги сайловчилар ҳам ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича тинимсиз келиб туришибди. Улар орасида ҳатто нуроний отахонлардан тортиб, бу галги сайловларда илк бор овоз беришга чоғланаётган ёш йигит-қизлар ҳам бор. Ана шунинг ўзиёқ яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларга юртдошларимизнинг нечоғли қизиқиш билан қараётганларидан далолат беради.*

**СУРАТДА: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 23-Тансиқбоев сайлов округи раиси Эркин Исмоилов (ўртада) ҳузурига ташриф буюрган сайловчилар Дилором Аюпова ҳамда Толиб Ҳошимовлар билан суҳбатлашмоқда.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Яқинда Фарғонада Марказий Сайлов Комиссияси ташаббуси билан ўтказилган семинар-кенгаш ана шу долзарб масалага бағишланди. Айни сайлов тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин паллага кирган пайтда округ сайлов комиссиялари раислари, аъзоларининг билимлари, қувваи ҳофизалари синаб кўрилаётгани бежиз эмас. Чунки улар бевосита номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сайловчилар билан иш олиб боришади, кузатувчилар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлишади.

Машварат эмас мулоқот тариқасида ўтказилган йиғилишда округ комиссиялари аъзоларининг билим, қобилият тушунчалари Республика Давлат тест маркази томонидан тайёрланган саволлар асосида синовдан ўтказилди. Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 29 округнинг 260 дан зиёд аъзолари, мутасаддилари барча саволларга атрофлича жавоб қайтариб, муҳим сиёсий тадбирга ҳар тарафлама тайёр эканликларини намойиш қилдилар.

Савол-жавоб мулоқотларида эса Марказий Сайлов Комиссияси раисининг ўринбосари О. Дўстжонов, Марказий Сайлов Комиссияси аъзолари Х. Хожираҳматова, Ҳ. Бобоев, Давлат тест маркази масъул ходими Х. Тўйчиева, Марказий Сайлов Комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаевлар иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларига жавоб қайтаришди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Муносабат*

# ТАРИХНИНГ ЎЧМАС САБОҚЛАРИ

Шўро тузуми ҳукмронлик қилган пайтлардаги тарихни-даврлар ўтиб, кўҳна Қалъа ўрнида пайдо бўлган тепаликка ўхшатгим келади. Ҳаётнинг кўп сирлари бу тепалик қаърида ётган эди. Мустақиллик даврига келиб бу сирли воқеалар, улуғ зотлар «тепаликдан» тортиб олиниб, қайта тиклана бошлади. Олдин азиз авлиёлар - Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, кейин алломалар- аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, саркардаю султонлар - Амир Темур, Бобур, Улуғбек ва бошқалар... Бу азиз сиймолар фақат Мавороуннаҳрда эмас, балки бутун дунёга донғи таралган, жамият тарихининг тараққиётида сезиларли ўринга эга бўлган улуғ зотлар эди. Бугун навбат ўз даврининг машҳур саркарда ва султони Жалолиддин ва ўзбек халқининг даҳоси яратган Алпомишга келиб етди.

Бу икки мислсиз қаҳрамонларни қайта тиклаш учун давлат раҳбарлари озмунча ташаббус кўрсатганлари йўқ. Бу ишга қўл урган мутахассислар, илм-фан ва маданият арбоблари озмунча меҳнат қилмадилар. Санъаткору адабиётчиларимиз оз муддат ичида Жалолиддин қиёфасини яратдилар. Алпомиш образини қайта тикладилар.

Бугун Урганчда яратилган Жалолиддин боғи ва унда ўрнатилган ёдгорлик, Термизда барпо қилинган катта боғ ва унда савлат тўкиб турган Алпомиш ҳайкали келажак авлодларимизга XX асрдан қоладиган беназир маданий меросдир.

Жалолиддин Мангуберди ва Алпомиш достонининг юбилей тантаналари ҳозирги маънавий ҳаётимизнинг байрамларига айланди.

Президентимизнинг шу тантаналарда қатнашиб, сўзлаган нутқлари тарихга қарашимизни яна бир босқич юқорига кўтарди.

Жумладан, Юртбошимиз шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас кела олмаган, Хитой ва бепоён Сибир ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб не-не шаҳаншоҳлар, амиру-султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон билан тик туриб, юзма-юз келиб, олишган баҳодир Жалолиддин Мангуберди тўғрисида ва у билан боғлиқ равишда муҳим қарашларни илгари сурдилар, бунгача на илмда, на адабиётда тилга олиб бўлмас эди. Уни тилга олганлар шу заҳотиёқ қаттиқ жазога тортилар эдилар. Тўғри, дунёнинг бошқа бурчакларида бу баҳодир ҳақида, унинг ёвуз душманга қарши олиб борган жанглари юзасидан юзлаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. бироқ ўз ватанида, киндик қони тўкилган ўлкада у ҳақида бирор нарса дейиш мумкин эмас эди. Тоталитар мафкура бунга йўл қўймасди. Шу боисдан у узоқ вақтлар тарих қаърида қолиб кетди.

Гап Алпомиш ҳақида кетганида, манзара бошқачароқ бўлди. Йигирманчи аср бошларида халқ оғзаки ижодининг фидойилари бу қаҳрамонлик достонининг қадрини сездилар, шу муносабат билан у бахшилар оғзидан ёзиб олиниб, китоб шаклига келтирилди, бироқ бу ишлар ҳам тоталитар мафкура намояндаларига ёқиб тушавермади. Достон 50 йилларга келганда бир зарб билан социалистик мафкурага ёт, феодал ўтмишни улуғлайдиган асар сифатида қаттиқ танқид остига олинди.

Президент бу икки баҳодир, уларнинг мислсиз қаҳрамонликлари ва хизматлари ҳақида фикр юритар экан, уларни яратган, вояга етказган муҳит ва заминга, ўз ҳурмати ва эҳтиромини билдиради. У Жалолиддинни назарда тутиб, дейди: **«... Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир»**. Юртбошимиз Алпомишдек баҳодирни вояга етказган заминни «бетакрор табиати, баланд осмонўпар тоғлари, қатор гўзал гўшалари» ҳақида алоҳида тўхталди. Бу заминнинг фидокор меҳнаткашларини улуғлайди ва дейди:**«...Алпомишдек баҳодирларни камолга етказган она халқимга яна бир бор таъзим қиламан».**

Мамлакатимиз раҳбарининг имом Бухорий ва Аҳмад Фарғоний тантаналарида сўзлаган нутқлари эсимизда. Уларда Юртбошимиз кўпроқ ўзбек халқининг улуғ фарзандларининг эл-юрт маънавиятига, илм-фаннинг тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳақида жозибали фикрларни айтган эди. Бироқ бу гал Президент миллий баҳодирлар, фидоий ватанпарварлар ҳаётидан келиб чиқадиган қатор хулосалар хусусида тўхталдики, нутқларнинг бу жиҳати фақат маънавий эмас, балки улкан ижтимоий, тарбиявий, мафкуравий аҳамиятга ҳам эга.

Жалолиддин хусусида гапириб, бу мард ўғлон ҳаёти муносабати билан келиб чиқадиган хулосаларга урғу қилинди. Улардан бири қуйидагичадир:**«Ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга,халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади».**

Бу сўзларни эшитар эканмиз, қарийб 2500 йил давомида Искандар Зулқарнайдан тортиб то рус истеълосигача она еримиз, халқимиз бошига тушган машъум кунлар жабр-зулмлар хаёлимиздан ўтади. Бугун ҳам айрим ҳасадгўйларнинг кирдикорларини кўриб турибмиз. 16 февраль воқеалари, Қирғизистоннинг Боткен туманидаги ҳодисалар, Янгиободдаги қотиллик, узоқдан туриб айтиладиган пўписалар фикримизнинг далилидир.

Президентимиз Жалолиддин Мангуберди жасоратлари муносабати билан иккинчи бир муҳим хулосага эътиборимизни жалб қилади: **« Ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроғинининг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак».**

Бу сўзлар ҳам тарихимизда бўлиб ўтган кўп воқеаларни эслатади. Тўмарис, Широқлардан тортиб рус истеълочиларига қарши Тошкент кўчаларида жангга кириб қон тўккан марду майдонларни эслаймиз. Зотан Президент ўз нутқида қатор халқ қаҳрамонларининг номларини санаб ўтди, булар — Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темурлар... тилга олинавермайдиган сонсиз-саноқсиз баҳодирларни айтмайсизми?! Йигирманчи йилларда «босмачи» номини олган азаматлар ҳали ҳам тарихда ўзининг тўла баҳосини ололгани йўқ.

Президент эълон қилган учинчи жиддий хулоса бугунги ҳаётимизга бевосита алоқадордир. У дейди:—**«Ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, имонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак.»**

Катта маъно бор бу сўзларда. Саккиз йилдирки, республикамиз моддий жиҳатдан ўтиш даврининг баъзи машаққатларини бошидан ўтказаётган бўлса ҳам, республикамизда тинч-тотув ҳаёт йўлга қўйилган. Иккинчи жаҳон уруши жангларида қон тўкиб, жон олиб жон берган одам сифатида айтишим керакки, ҳаётда бебаҳо бир бойлик бор. Бу — тинчликдир.

Дунёнинг кўпгина бурчакларида жанглар бўлиб, қон тўкиляпти, не-не машаққатлар билан қурилган иншоотлар ер билан яксон бўляпти. Жамиятни боқиб турган ишлаб чиқариш соҳалари емирилаяпти. Худога минг қатла шукурки, республикамиз бу хилдаги офатлардан четда. Демак, тинчлик деб аталадиган бу бойликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, амалда бу бойликни сақлашда бор кучини сарф қилаётган Юртбошимиз бу масаланинг қай даражада муҳим эканлигини ҳаммадан кўра кўпроқ билади. Зотан, Жалолиддин Мангуберди қиёфасининг қайта тикланиши, Алпомиш образининг моҳиятига эътиборни жалб қилиш — огоҳ бўлишга чақиришдан иборатдир.

Президентимизнинг қуйидаги сўзларига эътибор қилинг, у Алпомишга ўрнатилган ҳайкалга ишора қилиб, дейди:**«Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юртини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоққа шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди.**

**Унинг тимсолида ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги Алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам».**

Президент ўз нутқининг бошқа бир жойида Алпомиш образининг моҳиятига назар ташлаб, уни яратган ўлка, яъни Сурхон водийси унинг маркази бўлмиш Термиз шаҳри ҳақида шундай дейди:«Қачонки, ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди».

Хуллас, Жалолиддин ва Алпомиш бизнинг тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан биридир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам куч-қудрат, ғайрат ва шижоат рамзидир. Халқимизга хос бўлган мардлик, ватанга фидойилик, бу икки баҳодирнинг асил хислатларидир. Уларнинг қиёфаси ва жасоратларига назар ташлаб, халқимизга хос мардонаворликларни кўз олдимизга келтирамиз.

Миллий тарихимизда ўтган ва халқ ижодида мужассамланган бу баҳодирлар айниқса ёш авлодлар тарбиясида йўлчи юлдуздир. Уларга қараб ёшларимиз қандай яшашнигина эмас, нима учун курашиб яшашни ҳам ўрганадилар. Президентимиз маърузаларида ўз ифодасини топган бундай улкан тарих сабоқлари ҳамиша қимматлидир ва ҳамиша долзарб ҳаётий маъноли бўлиб қолаверади.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**ЎзР ФА мухбир аъзоси**

## ХАЛҚОБОД МОМИҒИ



*Шу кунларда Кегайли туманидаги «Халқобод момиғи» пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятида иш қизғин. Ҳозирга қадар жамиятда 30 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилинди.*

*Мазкур жамиятда қайта ишланган пахта маҳсулоти республиканинг тикувчилик фабрикаларига, шунингдек, хорижий юртларга жўнатилади. Айни пайтда 1000 тоннага яқин пахта толаси чет элларга жўнатиш учун тайёр қилиб қўйилди. Бу тайёр пахта толаларини Англия, Швейцария, Германия ва Хитой мамлакатларига юбориш кўзда тутилган.*



**СУРАТЛАРДА: «Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамияти кўриниши; корхона лаборантлари Ширин Абдураимова ва Гулсара Сейтмуродова.**

**Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**




## УЧ ТУМАН ЗАФАРИ

**Наманган вилоятида яна уч туман пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режасини уддаладилар. Қабул пунктларига уйчиликлар 23870 тонна, тўрақўрғонликлар 22530 тонна, косонсойликлар эса 19050 тонна саноат хомашёси етказиб бердилар.**

**Ерга уруғ ўз вақтида экилгани, серҳосил нав танлангани, парваришда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилингани, иш юритишда оилавий пудрат кенг жорий этилгани ана шу муваффақиятлар омили бўлди.**

**Режанинг адо этилиши туфайли биргина Косонсой туманида пахтачиликнинг ўзидан 600 миллион сўм ёки бултургидан 165 миллион сўм кўп даромад олиш кутиляпти. Бу, албатта, зарур техника воситаларини сотиб олиш, келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш учун кенг имкониятлар эшигини очади.**

**Зафар қучган пахтакорлар айни кунларда кузги-қишки юмушларни жадал олиб бормоқдалар.**

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳукумат комиссияси раиси Б.Ҳамидов бошқарди.

Мажлисда "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси раиси Б.Эргашев ва Наманган ҳамда Жиззах вилоятларининг корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳудудий комиссиялари раисларининг зарар кўриб ишлашга барҳам бериш, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорлари ижроси ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Комиссия "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг зарар кўриб ишлашга барҳам бериш ва ўзига қарашли корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини тиклаш бўйича бажараётган ишининг сустлигини қайд этди. Шунингдек, уюшмада зарар кўриб ишлаётган корхоналар сонининг камаймаётганлиги қайд этилди.

Корхоналар келтираётган impарарга барҳам бериш, хўжалик судлари томонидан банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Ҳукумат комиссияси қарорига кўра, барқарор фаолият кўрсатиши эҳтимоли йўқлиги туфайли "Самарқанд тери заводи" акциядорлик жамияти, "Мадина-Т" акциядорлик жамияти (Тошкент шаҳри) ва "Соатов номли" акциядорлик жамиятини (Жиззах вилояти) банкрот деб эълон қилиш жараёни бошланди.

Наманган ва Жиззах вилоятлари ҳудудий комиссияларининг зарар кўриб ишлаш ва иқтисодий ночорликнинг олдини олиш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни тугатиш борасидаги ишлари қониқарли эмас, деб топилди.

Комиссия банкротлик аломатлари мавжудлиги туфайли "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасининг "Жиззахгўшт", Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Жиззах темирбетон маҳсулотлари", "Ўзбекнефтгаз" компаниясининг "Наманган Поп нотўқима мато" акциядорлик жамиятлари "Агрокомқурилиштаъмир" (Жиззах, вилояти), "Марказий истиқлол" ширкат корхонаси (Наманган вилояти) бўйича банкрот деб эълон қилиш жараёнини бошлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия Наманган вилоятидаги "Карбонам" акциядорлик жамиятини санациялаш ҳақида қарор қабул қилди ва молиявий соғломлаштириш режасини тасдиқлади.

**(ЎзА)**

## АҲОЛИ ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖИГА ЭЪТИБОР

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуи йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарган мазкур йиғилишда истеъмол бозорини тўлдириш бўйича ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов йиғилишда сўзга чиқиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган соҳага тааллуқли корхоналар аҳоли талаб-эҳтиёжини таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш борасида етарли иш олиб бормаётганини қайд этди. Жумладан, айрим ҳолларда кундалик эҳтиёж маҳсулотлари қўшни вилоятлардан келтирилмоқда. Гўшт-сут ва мева-сабзавот тайёрлаш тизимида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири**

# ГУРЛАН ГУРУЧИ





«Шоли-99»

Урганч шаҳрининг деҳқон бозорида бугун гуруч мўл. Харидор расталарни айланиб юриб, ўзига маъқул келадиганини танлайди. Йил бошидагига қараганда гуручнинг баҳоси анча арзон.

Бозорда юрган бир харидор кўпчиликнинг эътиборини тортди. У расталарни оралаб «гуруч қаерники, Гурланникими?» дея сўрашдан сира эринмас эди. Охири у ўзи излаган гурунчни топиб; ишонч ҳосил қилиб, бир қопини кўтара савдо қилди.

— Ака, намунча Гурланнинг гуручини суриштиравермасангиз. Ахир ҳаммаси ҳам ўзимизники-ку.

Менинг ҳазиломиз саволимга у ҳам кулимсираб жавоб берди:

— Гурланнинг гуручи бизнинг тишга қойим.

Харидор, шу туман гуручининг сифати кўпроқ маъқул, деган гапни деҳқончасига айтди қўйди. Унга бошқа савол беришга ўрин қолмади.

Тўғрисини айтганда, Гурланда етиштирилган бу маҳсулотни хуш кўрувчилар кўпчилик. Шу ўринда Хоразм шолисининг катта қисми Гурланда тайёрланишини ҳам таъкидлаш лозим. Қолаверса, ҳосилдорлик ҳам юқори — 50 центнер.

Бу йил туманда 5648 гектар майдонга шоли экилди. Бу ўтган йилгига қараганда анча кам. Лекин ҳосилдорлик қисқаргани йўқ. 13463 тонна шоли хирмони бунёд этилди, 3700 тонна юқори сифатли уруғлик ҳам тайёрланди.

Бундай юқори ҳосилдорлик маҳаллий тупроқ шароитларига мос, серҳосил шоли навлари танланаётганлиги билан боғлиқ. Туманнинг аксарият экин майдонларида асосан «Авангард» нави экилди. Қуёшни яхши эмиб, 110-115 кунда пишиб етилди. Зарур пайтда сувдан қисишмади, ҳосил бўлганича бўлиб берди.

1997 йили туманда республика шоличилик институтининг филиали очилди. Шундан кейин юқори сифатли уруғлик гурланлик шоликорларнинг иштирокида,. уларнинг кўз ўнгида тайёрлана бошланди. Қолаверса, улар, шоличиликдаги илмий янгиликлар, кўплаб хорижий мамлакатлардаги тажрибалар билан ҳам яқиндан танишадиган бўлишди.

— Нафақат Гурлан тумани, балки вилоятнинг бошқа кўплаб хўжаликлари билан ҳам мустаҳкам алоқага киришганмиз, — дейди филиал раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Даврон Бобониёзов. — Шоликорларимиз ўз меҳнатлари самарали бўлиши учун шоличиликнинг илмий асосларига таянадилар. Ўтган йили хўжаликларга 60 тонна «Элита» уруғлик тайёрлаб берган эдик. Бу йилги режамиз эса 100 тонна.

«Янгиобод» туманининг йирик хўжаликларидан бири. Бу ерда шоли хирмони 5 минг тоннадан зиёд тош босди. 3000 тонна сифатли уруғлик ҳам шу ерда ҳозирланди. Бунинг 1200 тоннаси билан бутун туманни таъминлаш мумкин. Қолгани эса бошқа туманларнинг хўжаликларига сотилади. Хўжалик бошқаруви раиси Қозоқбой Қўзибоев шоличилик бўйича вилоятда таниқли мутахассис, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. У шоличиликда илм-фан ютуқлари жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини, аммо, деҳқонда экиннинг ҳолатини сезиш, у билан «тиллашиш» тажрибаси етишмаса, қилинган меҳнат бекор кетишини яхши англайди. У янгиободликларда бундай тажриба етарли эканлиги ҳақида қувониб гапиради.

Август ойи гурланлик шоликорлар учун катта синов даври бўлди. Ҳаво ҳарорати 46 даражага етганда, шолипоялар чинакамига «титрай» бошлади. Ҳосил тугаётган бошоқларнинг қуриб қолиш хавфи туғилди. Шундай пайтда ёшуллию ёши кичик шолизорлар атрофида, экиннинг дардига дармон излаб безовта юришди. Зарур пайтда 6 мингдан зиёд сувчи уч навбатда экинларга сув бериш билан машғул бўлди. Охир-оқибатда деҳқоннинг қўли баланд келди. Улар ҳосилни сақлаб қолишди.

Сафарбарлик ҳосил йиғим-терими даврида, айниқса авж олди. Туманда бир ой давомида кеча-кундуз узлуксиз ишлаган 10 та «Кейс» ҳамда «Класс» комбайнлари хирмонга барака киритди. Қозоқ Қоратоев, Баҳодир Эшметов, Собий Холметов сингари комбайнчиларнинг меҳнатидан элдошлари мамнун бўлишди.

— Замонавий «Кейс» комбайнларининг садағаси кетсанг арзийди, — дейди Қозоқ Қоратоев, — ҳам шоликорларимизнинг оғирини енгил қилдик, ҳам ишлаб завқ-шавқ олдик. Меҳнатимиз яхши даромад ҳам келтирди.

Йиғим-терим даврида гурланлик шоликорларнинг ўроғи доим ёнида бўлади. Чунки пешона тери билан етиштирилган неъмат — шолининг ётиб қолган жойлари, шолипоянинг чеккалари қўлда ўриб олинса, ҳосилда йўқотиш кам бўлишини яхши билишади. Айниқса, бу уруғлик шоли бўлса. Шу боис Гурланда қўл кучи билан йиғиштириб олинган шоли ҳам катта тош босди.

— Шартнома режасини октябр ойининг биринчи ярмида саранжомладик, — дейди янгиободлик пудратчи Баҳром Абдужабборов, — шу билан иш тамом бўлди дейсизми? Йўқ, аксинча ишларни янада кучайтирдик. Шу сабабли ҳам 50 центнердан ҳосил олдик, яна ўзимиз учун ҳам 8 тонна шоли жамғардик. Бундай имконият қачон бўлган?

«Гулистон», «Намуна», «Амударё», «Вазир» жамоа ҳамда ширкат хўжаликларидан Максим Шин, Филипп Шин, Шавкат Аметов, Тўлғоной Маткаримова, Абдирим Раҳимов, Аллаберган Қозоқовлар эса 65-70 центнердан хирмон уйдилар.

Шолини кўчатлаб экиш тажрибаси гурланлик деҳқонларни ҳам қизиқтириб қўйди. Ахир буғдойдан бўшаган далалардан иккинчи бор ҳосил олишга нима етсин? Ернинг ўзи сал эринмасанг ризқингни бераман, деб турган бўлса.

Бу йил туман бўйича 500 гектарга яқин майдонга шоли кўчатлаб экилди. Кўчатлаб экиш техникалари қўл келди. Натижалар ёмон бўлмади. Гектарига қирқ центнердан ҳосил олинди. Энг муҳими, кўчатлаб экиш ҳосилдорликни оширишнинг қўшимча омили эканлигига ҳаммада ишонч ҳосил бўлди. Демак, келгуси йил ҳам бундай имкониятдан тўла фойдаланиш режаси кўнгилга тугилди.

Гурланликлар бу йил фақат шолининг ўзидан 1 миллиард 400 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяптилар. Шу даромаднинг деярли ярми соф фойдани ташкил этади.

Бу йил туманда пахта, буғдой, пилла етиштириш режалари ҳам ортиғи билан уддаланди. Натижада буғдойдан 106 миллион, пилладан 30 миллион сўм даромад олинди.

Туман аҳли вилоятда биринчилар қаторида 32 минг тонна пахта хирмони уйиб, юзи ёруғ бўлдилар. Даромад ҳам шунга яраша бўлиши кутилмоқда.

Даромадга яраша буромад, дейдилар. Унинг маълум қисми туман аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилади, албатта.

Туманда 11,8 км. газ, 14,6 км. ичимлик суви қувурлари ётқизилганлиги, енгил саноат ихтисосликлари бўйича касб-ҳунар коллежи биноси, тез ёрдам бўлими, 320 ўринли қўшимча мактаб ишга туширилганлиги, шунингдек, туман марказидаги стадион ва кўплаб спорт майдончалари таъмирдан чиқарилганлиги фикримизнинг далилидир.

— Иқтисодий ислоҳотлар, янгиланишлар туманимиз аҳолисининг онгу тафаккурини, меҳнатга муносабатини бутунлай ўзгартирди, — дейди туман ҳокими Раҳимберган Матрасулов. — Бугун деҳқонларимиз, шоликорларимиз учун фидокорлик табиий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, меҳнат қилиб, истеъдодингни намоён қилиш учун яратиб берилган кенг имкониятлар шунга даъват этиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, Гурлан туманида кейинги вақтда сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Буни туманнинг барча аҳолиси, шу жумладан шоликорлар ҳам чуқур ҳис қилишмоқда. Уларнинг бу йилги муваффақиятлари, келгуси йил ҳосили учун ҳозирликни фаол бошлаб юборганликлари шундан далолат беради.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ажиниёз таваллудининг 175 йиллиги олдидан*

## БАХШИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қорақалпоқ мумтоз адабиёти асосчиларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 175 йиллик тўйига Тахтакўпир тумани бахшилари ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Туманнинг йигирмага яқин ёш бахшиси улкан тўй олдидан кўрик-танлов ўтказди. Унда хассос шоирнинг Ватан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, она табиат, аёллар гўзаллиги ва латофатини мадҳ этувчи шеърларига басталанган куй ва қўшиқлар ижро этилди. Танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан мукофотланди.

**А.Искандаров,**
**ЎзА мухбири.**

## БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ЖАҲОН ҲИМОЯСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Болалар Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенциянинг қабул қилганлигига 10 йил тўлди.

Шу муносабат билан БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика Болалар жамғармаси ҳамкорликда 20 ноябр куни Республика ўқувчилар саройида ўзига хос тадбир ўтказишяпти.

— Дунё аҳолисининг сони 6 миллиарддан иборат бўлса, унинг учдан бирини, яъни 2 миллиардини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ёш авлоднинг барча ҳуқуқлари мазкур Конвенцияда мустаҳкам белгилаб қўйилган. Ушбу байрамда ҳам мингдан ортиқ болалар иштирок этади. Уларнинг кўнглига қувонч бағишлаш мақсадида республикамизнинг, қолаверса, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Польша, Болгария, Корея ҳамда Қозоғистон каби бир қанча мамлакатлар миллий маданий марказларининг бадиий жамоалари ҳам қатнашади, — деди ташкилий қўмита аъзоси, республика ўқувчилар саройи директори Олия Иброҳимова «Туркистон-пресс» мухбирига. Шунингдек, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес ҳамда республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев каби бир қатор раҳбарлар ҳам болаларни қутлаш учун байрамга келишади.

Байрамда ёш рассомлар кўргазмаси ташкил қилиниб, унда республикамизнинг турли вилоятидан келган ёшлар ҳамда японялик, ҳиндистонлик рассом болалар билан бирга ногирон болалар ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

## ЯНГИ АСР КОРХОНАСИ

Фарғона тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти қошида Жанубий Кореянинг "Кобул-Текстайлс" компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. "Кобул-Фарғона КоЛТД" деб номланган мазкур корхона йигирма биринчи аср бошида илк бор маҳсулот бера бошлайди.

Томонлар келишувига мувофиқ, Фарғона тўқимачилик корхонасидаги ишлаб чиқариш цехларига Япония, Швейцария, Германия сингари енгил саноат тармоқлари ривожланган мамлакатлардан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилади. Корхона тўла ишга тушгач, йилига 21,6 минг тонна калава ип, 12,5 миллион метр жаҳон андозаларига мос газлама тайёрланади. Маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи хорижга чиқарилади. 2,5 минг киши доимий иш билан таъминланади.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижодкорлар орасида Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган бадиий, публицистик, тасвирий санъат, фото ва бошқа жанрлардаги асарларда қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

***Она Ватанга муҳаббат;***
***миллий ғурур, инсоний қадриятлар;***
***кишилар онгида, руҳиятида рўй бераётган ўзгаришлар;***
***мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари.***

Ғолибларни ҳар йилгидек катта мукофотлар кутади.

Танлов ғолиблари 2000 йилда, Ватанимизнинг Мустақиллик куни нишонланадиган байрам арафасида аниқланади.

Кўрик танловга тақдим этиладиган асарлар 2000 йилнинг 1 августига қадар "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасига юборилиши керак.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 30-бино.

**Ўзавтолицензия республика бошқармаси томонидан берилган давлат белгиси 58-75 ФЕН КАМАЗ-5320 русумли автомобилга тегишли бўлган шаҳарлараро № 0151922 ва шаҳар ичидаги № 0151925 рақамли лицензиялар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

